



THE INFLUENCE OF THE TEACHINGS OF ABU NASR FORABI AND ABU ALI IBN SINA ON THE PHILOSOPHICAL AND ANTHROPOLOGICAL VIEWS OF MIRZA ABDULQADIR BEDIL

Mukhammadieva Oynisa Mustafakulovna

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Faculty of Social Sciences

Department of Ethics and Aesthetics Professor V.B.

+998998256736. (E-mail): oynisamuhammadieva@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13816463>

ARTICLE INFO

Received: 14th September 2024

Accepted: 19th September 2024

Online: 20th September 2024

KEYWORDS

Human, anthropology, human essence, mind, spirit, thinking, morality, voxdat ul wujud, Bahri absolute, mashoiyun, noble city, humanity, perfect human.

ABSTRACT

This article examines the influence of the great thinkers of the East Abu Nasr Farabi and Abu Ali ibn Sina, who lived and worked in Central Asia in the 9th and 10th centuries, on the philosophical and anthropological views of the philosopher-poet Mirza Bedil., who lived in India in the 17th and 18th centuries.

МИРЗО АБДУЛҚОДИР БЕДИЛНИНГ ФАЛСАФИЙ-АНТРОПОЛОГИК ҚАРАШЛАРИГА АБУ НАСР ФОРОБИЙ ВА АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАЪЛИМОТЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Мухаммадиева Ойниса Мустафакуловна

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Ижтимоий фанлар факультети

Этика ва эстетика кафедраси профессор в.б.

+998998256736. (E-mail): oynisamuhammadieva@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13816463>

ARTICLE INFO

Received: 14th September 2024

Accepted: 19th September 2024

Online: 20th September 2024

KEYWORDS

Инсон, антропология, инсон моҳияти, ақл, руҳ, тафаккур, ахлоқ, вохдат ул вуҷуд, Баҳри мутлақ, машоиюн, фозил шаҳар, инсонийлик, комил инсон.

ABSTRACT

Ушбу мақолада IX-X асрларда Марказий Осиё митнотақасида яшаб ижод этган, шарқнинг буюк мутафаккирлари Абу Наср Форобий ҳамда Абу Али Ибн Синологларнинг Инсон ҳақидаги таълимотларининг XVII-XVIII асрда Ҳиндистонда яшаб-ижод этган файласуф-шоир Мирзо Бедилнинг фалсафий-антропология қарашларига таъсири ёритиб берилган.

Фалсафа тарихида инсоннинг моҳияти ҳар доим долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Инсоннинг моҳиятини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳеч бир даврда ўз долзарблигини йўқотмаган. Чунки, ҳар бир даврда жамият олдида пайдо бўлаётган



муаммоларнинг асосий сабабчиси ҳам ва айна дамда ўша муаммоларнинг ечишга қодир бўлган зот ҳам инсондир.

XXI аср инсоният ҳаётида катта бурилишлар даврини бошлаб берди. Бу даврда ахборот технологияларининг ривожини шу даражага етдики, дунёнинг ҳоҳлаган бурчагидан туриб қисқа вақт ичида ахборотни узатиш имконияти ошди. Глобал дунёни бошқариш интернет ахборот тизимининг қўлига ўтди. Интернет ахборот тизими орқали жамиятда илм-маърифат, бунёдкорлик ва тараққиёт, янгидан янги кашфиёт ва ихтиролар алмашинуви билан бир қаторда инсоннинг ҳаётини издан чиқариб юборувчи кибржиноятлар, одам савдоси, кибртерроризм, ижтимоий иллатлар каби таҳдидлар ҳам юзага келмоқда. Бу ҳолат ўз навбатида олимлар зиммасига янги ижтимоий-сиёсий муаммоларни ечиш вазифасини юклайди.

Ижтимоий-гуманитар соҳа вакиллари манашундай таҳликали даврда инсон маънавиятини юксалтиришга жиддий эътибор қаратишлари зарур. Айниқса, ёшлар тарбиясида масъулиятни янада ошириш зарур. Мураккаб глобал дунёда инсоннинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи ахборот хуружлари аввало ёшларни нишонга олишини ҳам унутмаслик керак. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикри ҳам диққатга сазовордир: “Бугунги глобал маконда, қарама-қаршилиқлар, инсон, айниқса, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун кураш ниҳоятда кучайган ҳозирги шароитда ёш авлод тарбиясининг ўрни ва аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Сиз билан биз яшаётган замоннинг аччиқ ҳақиқати шундан иборатки, катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшларни агар соғлом кучлар тўғри йўлга бошламаса, ғаразли ниятлар билан юрган бузғунчи кучлар ўз ордидан эргаштириб кетади”. [1,136] Ўзбекистон Президенти ёшлар тарбиясини юксалтириш орқали таҳдидлардан ҳимояланиш мумкинлигига ўз эътиборини қаратиши бежиз эмас, албатта. Глобал дунёда ҳар қандай ғоялар тезкорлик билан тарқалар экан, бундай вазиятда нафақат ёшлар, балки бир осмон остида нафас олаётган ҳар бир инсоннинг тақдири ҳақида, қолаверса, инсоният тақдири ҳақида қайта ўйлаб кўриш керак бўлади.

Бизнинг назаримизда, файласуф олимлар олдида Инсоннинг моҳияти масаласида Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг бой маънавий меросидан ўринли фойдаланган ҳолда, уни ёшларимизга етказишимиз, инсон руҳиятида содир бўлаётган тажаввузкорлик, худбинлик, ёвузлик, гиёҳвандлик, зўравонлик, кибр-ҳавога берилиш каби салбий иллатларнинг сабабини аниқлаб, уларга муайян ечим топиш вазифаси қўйилмоқда.

Инсоннинг асл қиёфаси, моҳияти, олий қадрият сифатидаги мақоми бевосита унинг маънавий-руҳий етуклиги, ўзлигини англаши, инонийлик фазилатлари билан белгиланишини, манашу маънавий-руҳий қиёфасига путур етганда юзага келадиган салбий оқибатлар ҳақида файласуфларимиз кўпроқ илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Ушбу муаммоларнинг ечилишидаги оқилона йўллардан бири – бу Шарқона қадриятларимизни қайта тиклаш, Шарқ мутафаккирларининг фалсафий асарларини, ҳаётий ҳикматларини қайта таҳлил этиб, ёшларимизга, барча тараққийпарвар инсониятга етказишимиз керак.



Инсоннинг моҳияти, унинг ким эканлиги, қандай пайдо бўлганлиги, қайдан келиб қайга бориши, дунёда қандай яшамоғи кераклиги, инсон бахти нимада, қандай яшаса бахтли бўлади, инсоннинг қалби нима?, унинг ақлий ва руҳий қудрати, инсон камолоти каби муаммолар энг қадимги даврлардан бошлаб файласуфларни қизиқтириб келган. Фалсафанинг инсон моҳиятини ўрганишга қаратилан антропологияда бу муаммони ечишда турли хил қарашларнинг гувоҳи бўламиз. Шарқ ва Ғарб файласуфларининг антропология қарашларида ушбу муаммо ечимида ўзига хос ёндошувлар ва шу билан бирга умумий жиҳатларни ҳам кўришимиз мумкин. Биз бир мақола доирасида ушбу муаммони тўлалигича таҳлил қилиш фикридан йироқмиз. Бироқ, ушбу масала юзасида Шарқнинг забардаст файласуф – мутафаккирлари Абу Наср Форобий ҳамда Мирзо Абдулқодир Бедил қарашларидаги инсоннинг моҳияти ва унинг камолоти масалаларини Фалсафий таҳлил қилиш бугунги кун учун муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Антик давр Юнон файласуфларидан тортиб, дунё цивилизациясига ҳисса қўшган Шарқ мутафаккирларининг барчасида Инсон ақлли, онгли мавжудот. Инсон оламнинг сарвари. Инсон энг олий қадрият каби ғоялар илгари суриб келинаётганлигига гувоҳ бўламиз. Бундай қарашлар Сукрот, Афлотун, Арасту, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Навоий каби мутафаккирларнинг қарашлари бунга яққол мисоб бўлади. Масалан, Абу Наср

Форобий инсон, унинг билиши, илм-фан ва ақл ҳақида ўзининг фалсафий қарашларини илгари суради. Форобий инсонни “ақлли ҳайвон” деса ҳам, ақлли инсон ҳақида шундай ёзади: “Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарса кашф ва ихтиро этишда зўр истеъдодга эга, улар ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил, дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зеҳн-идроққа эга бўлганларни ақлли, деб бўлмайди, уларни айёр (муттаҳам) , алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим. [2,182]

Форобий “Ақл маънолари ҳақида” рисоласида Ақл муаммосини чуқур таҳлил қилиб, уни бир томондан руҳий жараён, иккинчи томондан, ташқи таъсир яъни таълим тарбиянинг натижаси дейди.

Форобий “Фозил шаҳар аҳолисининг маслағи” рисоласида инсон табиати ҳақида шундай дейди: “ Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди. Уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсонлар кўпайдилар ва ерниинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди”. [4, 186] Шунингдек Форобий фозил жамоадагина комил инсон хислатлари камол топишини таъкидлаб ўтади. Форобий таълимоти инсонни маънавий озод этишга, унинг имкониятларини, қобилият ва истеъдодларини очишга, юзага чиқаришга хизмат қилиб, илғор ижтимоий тафаккур тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилди. Форобий инсон табиатидаги инсонийлик фази латига алоҳида аҳамият



қаратади. Бу унинг қуймидваги фикрида ўз аксини топган: “Одамларгап нисбатан уларни бирлаштириб турувчи ибтидо - инсонийликдир” [5, 152]

Шарқ аристотелизми – машоиюн йўналишининг йирик намояндаси Абу Али ибн Сино Инсон ва ҳайвон ўртасидаги алоқадорлик, умумийлик ва хусусийликлар ҳақида фикр юритган илк файласуфлардан ҳисобланади. Ибн Синонинг инсон моҳияти ҳақидаги қароашларининг шаклланишида ҳам Форобийнинг таъсирини кўришимиз мумкин. Ибн Сино инсонга тана ва жон бирлигидан ташкил топган мавжудот сифатида қарайди. Ибн Сино фикрича, ҳашоратлар, ўсимликлар, ҳайвонлар ва инсонлар қандайдир ички куч – жон (“ан-нафас”) га эгадир. Инсон жони бунда энг олий ва етук жондир. Шунинг учун инсон фикрлаш фикрлаш хислатига мавҳум тушунчаларни ўзлаштириш, билиш мавжудотнинг моҳиятини тушуниш, мақсадли фаолиятларни амалга ошириш қобилиятига эгадир. Инсон ақли жоннинг олий даражадаги ифодасидир. Инсон мавжудот моҳиятини билиши унинг тафакқурининг дунёвий ақл биласн қўшилиши асосида вужудга келади. [6, 157] Ибн Синонинг инсон моҳиятида унинг руҳи масаласига ҳам ўз эътиборини қароатган. Инсоннинг руҳи бу дунёдаги ҳаётни қанчалик кўп идрок қилса, охиротдаги саодатни шунчалик кўп тушунади. Бинобарин, инсон ақлий олам иштиёқида ҳақиқий “Ишқ” чўққисига чиқмагунча, моддий оламга таалуқлиликдан қутула олмайди.

У Инсон борлиғи, ҳаракат ва фаолиятларига кучли таъсир етказадиган ташқи омилни “тажаллий” (жилоланиш; эманация) тушунчаси билан ифодалаб, бу ҳодисанинг Инсон ва бошқа мавжудотларга таъсирини қуйидагича шарҳлайди: “Сўнгра (бу тажаллий) ҳайвоний қувват кўринишида, кейин ўсимлик қуввати ва охирида ақлий ва руҳий қувват сифатида намоён бўлади. Нимаики, тажаллийни ўзига қабул қилган бўлса, буни ўзининг имкони даражасида, ундан олинган нарсага мослашишга ҳаракат қилган ҳолда қабул этади. Табиий нарсалар ўз табиий ҳаракатларини унга мослаштирган ҳолда мақсад сари интиладилар. Бунинг маъноси шуки, ўзига хос ҳолатга эришмоқ учун айнан –табиий ўринларни эгаллаганларида, ҳатто мақсадга эришишнинг илк бошланишига нисбатан мослашмаса-да, айнан ҳаракатга нисбатан мослашади. Худди шундай ҳолат ҳайвон ва ўсимликлар жавҳарларида ҳам мавжуддир. Улар ўзларига хос бўлган ҳаракатларни ўз мақсадларига мослашган ҳолда содир этадилар. Улар ана шу мақсадга эришмоқнинг илк бошланишига нисбатан, масалан: қўшилув ва озикланишга нисбатан тақлид қилмасалар ҳам турни ёки жисми сақлаб қолиш ёки қандайдир қувват ҳамда қобилиятни намоён этиш учун ҳаракат қиладилар. Инсоний нафс (жон, руҳ) ҳам худди шундай хайрли ва ақлий ҳаракатларини, ҳатто билим олиш мақсадига эришмоқнинг илк бошланишига тақлидан эришмаган ҳолда содир этади. Ҳайвон ва ўсимликлар пайдо бўлиши ва ҳалок этилишида наслнинг давомийлигини сақлаб қолишга тақлид қилган ҳолда ўз фаолияти ва ҳаракатини бошқаради”.

Инсон борлиқ майдонида ҳайвондан кескин фарқ қилувчи мавжудот сифатида намоён бўлади. Бошқача тарзда айтганда, “инсон бошқа мавжудотлардан ажратувчи ўзига хос хусусиятларга эга. Демак, бошқа ҳайвонотлардан фарқ қилувчи мустақил бир тур сифатида намоён бўлади. Бироқ, инсон – ҳайвонотдир, деб тасдиқлаган тақдирда инсон табиати масаласининг моҳиятидан узоқлашган бўламиз. Айнан инсон табиатида инсоннинг ҳайвонотдан юқори ва ўзигагина хос бўлган, уни ҳайвонотдан фарқлайдиган



сифатлари тушунилади. Инсонда атроф-муҳит таъсири остида ва тарбия натижасида шаклланган сифатларни инсон табиати деб бўлмайди, негаки, улар касб этилган (ўзлаштирилган)лардир. Бошқача айтганда, носубстанцианал сифатлардир”.

Форобий, Ибн Сино томонидан илгари сурилган инсоннинг ақл ва руҳ бирлигидан иборатлиги, инсон руҳининг камолга етказиш инсоний моҳиятнинг асосни ташкил этиши каби ғоялар XVII-XVIII асрларда Ҳиндистонда яшаб ижод этган, Шарқнинг забардаст файласуф мутафаккири Мирзо Абдулқодир Бедилнинг антропологик қарашларига таъсир кўрсатган, десак муболаға бўлмайди.

Мирзо Бедил фалсафий қарашларида ҳам ақл муаммосининг таҳлилини кўришимиз мумкин. Форобий сингари Бедил инсон ақлини фақат яхшиликка ишлатилиши тарафдори бўлган. Бедилнинг қуйидаги мисраларида бу янада яққол намоён бўлади:

Эй ақл, жаҳлга сен боб бўлмагил,
Мол-дунё йиғишга асбоб бўлмагил.
Илдизинг булутдан сероб чоғида,
Сув марказига интил, хубоб бўлмагил. [3, 93]

Мирзо Бедил ўзининг "Ирфон" асарида инсоннинг пайдо бўлиши масаласини ваҳдат ул-вужуд назарияси асосида асослаб берар экан, бунда аввал жонсиз жисмлар кейин наботот (ўсимликлар) олами ва ундан ҳайво нот оламининг вужудга келганлиги, уларнинг такаммул этишидан инсонларнинг пайдо бўлиши қайд этилган. "Тўрт унсурдан яратилган" инсон эволюциясини, биринчи, жимод (молекула), иккинчи наботот (ўсимлик), учинчи ҳайвонот (иродасиз ва тилсиз жонивор) ва тўрт тинчи инсон (иродали ва тилли жонзот) ташкил этади. Бедил ўзининг "Ирфон", "Чор унсур" асарларида инсон борлигини тушунтиришда "бахри мутлақ" (комил лик денгизи) тушунчасини киритади. "Мутлақ баҳр" деб Бедил илоҳий кучга асосланган мутлақ борлиқни айтади. Бизнинг назаримизда, Мутлақ баҳр – бу инсондаги руҳий қувват. Инсон моҳиятини белгиловчи асосий омил.

Бедил "Ирфон" асарида "ваҳдат-ул-вужуд" таълимотини ривожлантириб, унинг жуда хилма-хил қирраларини очиб беради. Шу ўринда Бедилнинг қуйидаги мисраси диққатга сазовор:

Ғайри ваҳдат барнаёяд ҳиммати ирфони мо,
Домани хеш аст чун саҳро гули домани мо.
Ёр дар оғуш нами ў намедонам чист?
Содаги хатм аст чун ойина дар бўстони мо¹. [4,4]

Маъноси: Бизнинг ирфонимиз ҳиммати ваҳдат (бирлик; бу ерда Оллоҳнинг ягоналиги) дан бошқа нарсани билмайди. Этагимиз саҳрога ўхшайди. Унинг гули – саҳро гулига монанд. Ёр – қучоғимизда. Бироқ унинг номини билмаймиз. Соддалигимиз бўстонидаги ойна – кўзгу кабидир.

Бедил илгари сурган фикрлардан кўриниб турибдики, у Аллоҳнинг оламда зуҳр этган сир-синоатини, ҳақиқатни фақат ўзингдан топасан, дейди.



Бедил ўз қарашларини сўфиёна таҳлил этиб, яна фикрини давом эттиради:

Ҳар неки тингладим – сенинг баёнинг,
Ҳар нимаки кўрдим – сенинг нишонинг.
Қайда бошим уриб, қилдим саждалар,
Кўзим очиб кўрсам, сенинг остонанг.

Бедил илгари сурган фикрлардан кўриниб турибдики, Аллоҳ оламда зуҳр этган сир-синоатини, ҳақиқатни фақат ўзингдан топасан, дейди.

Бедил инсон коинот мавжудотлари ичида энг юксак мақомда яратилганини таъкидлар экан, кишиларни ирқи, жамиятдаги мавқеидан қатъий назар, шу шарафли номга муносиб кўришни истайди. Инсон, Бедил назарида, мўъжизакор, айна чоғда фитналар манбаидир. Шунинг учун у одамдаги бу икки хил табиатни ҳисобга олиш кераклигига эътиборни қаратади. Бедил инсоннинг улуғворлигини, аклий лаёқатини, кўп нарсаларни бажаришга қодир бир қутлуғ зот эканлигини, нутқи, онги, ақл-идроки билан ўзга махлуқотлардан фарқ этишши кўрсатиш билан бирга, номукамал, мол-мулкка чанқоқ, ўжар инсондан яра мас ишлар содир бўлишини ҳам таъкидлаб ўтади, яъни шоир инсондаги олийжаноб ахлоқий-руҳий хислатлар билан бирга салбий иллатлар ҳам мавжудлигани ёритишга ҳаракат қилган.

Агар эътибор берадиган бўлсак, Форобий таълимотидаги Инсон ақл-тафаккури инсонийлик фазилатлари билан уйғунлашганда ҳақиқий инсоний моҳият касб этиши, инсонийлик фазилати инсонларни бирлаштириб, комиллик сари етаклиши Бедил таълимотида ҳам кузатилади. Форобий таъкидлаганидек, агар инсон ақлини фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга, истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратишини оқиллик, агар ақлни ёмон ишларни ўйлаб топиш учун ишлатса ундайларни муттаҳам, муғомбир, ёлғончи деб қарайди. Мирзо Бедил назарида, инсон мўъжизакор, айна чоғда фитналар манбаидир. Шунинг учун у одамдаги бу икки хил табиатни ҳисобга олиш кераклигига эътиборни қаратади. Бедил инсоннинг улуғворлигини, аклий лаёқатини, кўп нарсаларни бажаришга қодир бир қутлуғ зот эканлигини, нутқи, онги, ақл-идроки билан ўзга махлуқотлардан фарқ этишши кўрсатиш билан бирга, номукамал, мол-мулкка чанқоқ, ўжар инсондан ярамас ишлар содир бўлишини ҳам таъкидлаб ўтади, яъни шоир инсондаги олийжаноб ахлоқий-руҳий хислатлар билан бирга салбий иллатлар ҳам мавжудлигани ёритишга ҳаракат қилган.

Бедилнинг фикрича, инсонни ҳайвондан ажратадиган муҳим хусусиятлардан яна бири “маърифат”дир. Маърифат инсон учун барча нарсдан муҳимроқдир. Ҳатто тоатибодат ҳам маърифатсиз ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас:

Бандагӣ бо маърифат хоси ҳузури одамист,
Варна ин чо сачдаҳо чун соя яксар мубҳамист.

Яъни: *Бандалик маърифат билан инсон мавжудлигининг хусиятидир. Акс ҳолда, бу ерда саждалар соялар каби мавҳумликдан ўзга нарса эмас.*

Хулоса қилиб айтганда, бугунги глобал дунёда инсон ҳаётига солинаётган турли хил таҳдидлар аввало унинг руҳиятидаги маънавий инқироздан далолат беради Инсон маънавиятини тадқиқ этишда, аввало инсон моҳиятини қайта ўрганиш тақазо этилади. Инсон руҳиятини маънавият билан тўлдиришда Шарқ мутафаккирларининг фалсафий меросидан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Абу Наср Форобий, Ибн Сино



каби ўрта аср Шарқ мутафаккирлари фалсафасида илгари сурилган инсоннинг моҳияти, тафаккури, борлиқни билиш каби масалалар Мирзо Бедил фалсафасида ҳам мантиқий давом эттирилган. Форобий, Ибн Сино ва Мирзо Бедил фалсафасидаги инсоннинг моҳиятида унинг ахлоқийлик, инсонийлик фазилатлари билан безатилган ақл-тафаккури, руҳий оламини ўзида акс эттирган қалби поклиги муҳим аҳамият касб этади.

References:

1. Шавкат Мирзиёев. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. 4-жилд. Тошкент, «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2020 -Б.136
2. Абу Наср Форобий Фозил одамлар шахри. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.-Б.182.
3. Абу Наср Форобий Фозил одамлар шахри. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. -Б.186.
4. А. Маврулов ва б. Шарқ ренессанси даври алломалари ва мутафаккирлари асарларининг илмий-фалсафий ва бадиий-лингвистик тадқиқи. Т., "Muharrir nashriyoti", 2018.-Б. 157
5. Мирзо Абдулқодир Бедил. Ғазал ва қасидалар. Т., Ҳижрий 1333. - Б.4.
6. Ойниса Мухаммадиева. Бедил ва ахлоқий қадриятлар фалсафаси. -Т: "Yangu nashr", 2016. -Б. 61